Ушбу сонда:

2 ИССИҚХОНА ноқонуний тарзда газ тармоғига уланган...

3 НАВРЎЗИ ОЛАМ ЯҚИН

4 ҲИКМАТ ҚАСРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 27 феврал, чоршанба №34 (1251)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ҲАМҚИШЛОҚЛАР ХУРСАНД

Фарғона вилояти Данғара туманидаги Телеминг қишлоғида янги қишлоқ врачлик пункти иш бошлади. Энди яқин-атрофда истиқомат қилаётган саккиз мингга яқин аҳоли соғлигидан шикоят қилиб туман марказига бормайдиган бўлди. Бу ерда замонавий лаборатория хоналари, акушер-гинеколог, стоматология, жарроҳлик, нур билан даволаш, функционал диагностика, кундузги даволаш бўлимлари ишлаб турибди. Шифо маскани малакали тиббиёт ходимлари билан таъминланган.

- Шу кунларда Бойбўта қишлоғида ҳам ана шундай қишлоқ врачлик пункти қурилиши ниҳоясига етади, - дейди туман соғлиқни сақлаш бўлими мудири Камолжон Йўлчиев. - Ҳозир туманимиз ҳудудидаги Катта Ганжировон, Оқтепа, Олахашак, Доимобод, Абдусамад ва Тайпоқ қишлоқларида замонавий қишлоқ врачлик пунктлари аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини ривожлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Республикада аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизимидаги иқтисодий ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Зарур қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база яратилган. Уй-жой мулкдорларининг ширкатларини шакллантириш жараёни фаол давом этмоқда. Уй-жой мулкдорларининг салкам 1400 та ширкатлари ташкил этилган бўлиб, кўп хонадонли жами уй-жой биноларининг 88 фоизи бошқариш учун уларга топширилган. Кўрсатилаётган коммунал хизматларга ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилиши учун коллектив масъулияти тизими яхшиланди. 1991 йилга қадар барпо этилган кўп хонадонли уй-жой биноларини капитал таъмирдан чиқариш дастурлари тасдиқланган.

Шу билан бирга уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятида қатор жиддий камчиликлар ва ҳал этилмаган муаммолар мавжуд. Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан уй-жой мулкдорлари ширкатларини зарур моддий-техника базаси, шу жумладан улар учун мўлжалланган хоналар, моддий ресурслар, асбоб-анжомлар билан таъминлашда уларга амалий кўмак ва ёрдам кўрсатиш, уйлар атрофидаги ер участкаларини қонун йўли билан бириктириб қўйиш, шунингдек зарур айланма маблағлар ажратиб бериш борасидаги ишларни ташкил этишга эътибор берилмаяпти. Оқибатда кўпгина уй-жой мулкдорларининг ширкатлари уй-жойларни жорий ҳамда капитал таъмирдан чиқариш, ободонлаштириш ишларини ўз вақтида ўтказиш учун етарлича маблағга эга эмаслар.

Зарур бўлган ташкилий тадбирларни ўтказмасдан, 1991 йилга қадар барпо этилган уй-жой биноларини аввал капитал таъмирдан чиқармасдан туриб уй-жой мулкдорларининг ширкатларини ташкил этиш ҳоллари мавжуд. Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Хоразм, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида уйларнинг ичидаги муҳандислик коммуникацияларини ва уй-жой биноларининг умумфойдаланадиган жойларини капитал таъмирдан чиқариш ишлари жадвалдан анча орқада қолган ҳолда олиб борилмоқда.

«Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелдаги Қонуни бажарилишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш ҳамда уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолияти учун қулай шароит яратиш, уй-жой фондини сақлашда ва ундан тегишлича фойдаланишни таъминлашда, таъмирлаш-тиклаш ишларини ўз вақтида ўтказишда, уй-жойлар атрофидаги ҳудудни ободонлаштиришни яхшилашда мазкур ширкатларнинг ролини ошириш, шунингдек уларнинг моддий-техникавий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари хизматлар кўрсатишдан, шу жумладан ижарага топширилган мулкдан тушадиган даромадларидан 2007 йилга қадар бўлган даврда барча турдаги солиқлар ва бюджетга йиғимлар тўлашдан озод қилинсин, бунинг натижасида бўшайдиган маблағлар аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда ўз айланма маблағларини тўлдиришга, уй-жой мулкдорлари ширкатларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, уй-жой биноларини ҳамда уйларнинг ичидаги муҳандислик коммуникацияларини таъмирлаш, ҳудудни ободонлаштиришга йўналтирилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, кўп хонадонли уй-жой биноларида яшовчи аҳолидан коммунал хизматлар ҳақини йиғишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар мазкур хизматларни кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар томонидан уй-жой мулкдорларининг ширкатлари билан тузилади.

Коммунал хизматларни кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар коммунал хизматлар учун жорий тўловлар бўйича хомчўт қилинган тушумлар бажарилгани тақдирда уй-жой мулкдорларининг ширкатларига қуйидаги тартибда ажратмалар бериши белгилаб қўйилсин:

100 фоиз бажарилган тақдирда - тушган тўловлар суммасининг 15 фоизи;

75 фоиздан ортиқ бажарилган тақдирда - тушган тўловлар суммасининг 7 фоизи миқдорида.

Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари мазкур маблағлардан аниқ мақсадни қатъиян кўзлаган ҳолда уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ходимларини рағбатлантириш, уй-жой-коммунал хизматлари учун тўловлар бўйича мавжуд қарзларни тўлаш, шу жумладан хизматлар учун ҳисоб-китоблар бўйича кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш, шунингдек уй-жой мулкдорларининг ширкатига бириктирилган уй-жой биноларини таъмирлаш, ҳудудларни ободонлаштириш борасидаги ишларни амалга оширишда фойдаланисин.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2002-2006 йиллар мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг корхоналари ҳамда коммунал хизмат кўрсатиш объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан, шунингдек ер участкаларини фуқароларнинг умрбод мерос бўлиб қоладиган эгалигига сотишдан тушадиган маблағлар (ер участкаларини сотиш тушумининг белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасига ўтказиладиган 5 фоиз миқдордаги ҳамда Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига ўтказиладиган 5,5 фоиз миқдордаги маблағларидан ташқари) 1991 йилга қадар барпо этилган уй-жойларни реконструкция қилиш, уйларнинг ичидаги муҳандислик коммуникацияларини капитал таъмирдан чиқариш, турар-жой биноларининг умумфойдаланадиган жойларини ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун уй-жой мулкдорларининг ширкатларига берилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда мазкур Фармонга мувофиқ амалдаги қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармонни ижро этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 26 феврал

Фан ва техника давлат қўмитасида иқтидорли ўқувчиларнинг 1-республика илмий-амалий конференцияси иш бошлади.

Конференцияни ўтказишдан асосий мақсад ўқувчиларнинг табиий фанларга бўлган қизиқишларини кучайтириш, уларни илмий изланувчанликка йўналтириш, энг қобилиятли ва истеъдодли ўқувчиларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдир.

Конференцияда иштирок этиш учун республикадаги академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, лицей ва лицей интернатларидан 150 нафар ўқувчи ташриф буюрди.

Суратларда: Акмал Икромов миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи 1-курс ўқувчиси Дилдора Аҳмадхўжаева; Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Наима Тиллаева зардўзлар Дилафруз Салимова ва Нигора Турсунбоева билан.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!

Муборак Ийд ал-Адҳо кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Саудия Арабистони Подшоҳлиги халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан дўстона табрик ва биродарона тилаклар изҳор этиб, Сизга холис дуолар ила мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат тилайман.

Аллоҳ ушбу саховатли муносабатни Сиз, Жаноби Олийлари, дўст мамлакатингиз халқи ва барча мусулмон умматига хайр-баракот ила такрор қайтариши ҳамда барчамизнинг тилагимиз бўлган фаровонлик ва тўкин-сочинликни ато этишини сўрайман.

Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз,
Биродарингиз

Икки муқаддас масжид ходими Фаҳд бин Абдулазиз АС-САУД, Саудия Арабистони Подшоҳи

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!

Муборак Ийд ал-Адҳо кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат тилаган ҳолда, ўзимнинг самимий табрик ва тилакларимни йўллаш менга катта мамнуният бахш этмоқда.

Қодир Аллоҳ таолодан Сиз, Жаноби Олийларига хайр-баракот ила уни такрор қайтариши, дўст Ўзбекистон халқи ва мусулмон умматига фаровонлик, тўкин-сочинлик ва шону шуҳрат ато этишини сўрайман.

Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз,
Биродарингиз

Абдуллоҳ бин Абдулазиз АС-САУД, Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, Миллий гвардия бошлиғи

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!

Муборак Ийд ал-Адҳо кириб келиши Менга Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат тилаш ва ўзимнинг самимий табрик ва дўстона қутловларимни йўллаш имконини бермоқда.

Аллоҳдан ушбу муборак муносабатни Сиз, Жаноби Олийларига хайр-баракот ва хурсандчиликлар ила такрор қайтаришини ҳамда дўст халқингиз ва мусулмон умматига доимий фаровонлик ва равнақ ато этишини сўрайман.

Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз,
Биродарингиз

Султон бин Абдулазиз АС-САУД, Саудия Арабистони Подшоҳлиги Вазирлар Маҳкамаси раисининг иккинчи ўринбосари, Мудофаа ва авиация вазири

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Ийд ал-Адҳо байрами муносабати билан Афғонистон халқи, муваққат ҳукумати ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига, ҳукуматингизга ва биродар Ўзбекистон халқига энг самимий табриклар йўллашдан бахтиёрман.

Халқларимиз манфаатларига хизмат қилувчи икки томонлама дўстона алоқалар ва ҳамкорлик минтақа ва жаҳонда тинчлик ўрнатиш ишига улкан ҳисса қўшаверишига ишончим комил.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон Республикаси халқига равнақ ва мамлакатингизнинг янада тараққий этишида улкан муваффақиятлар тилаб қоламан.

Эҳтиром билан,

Ҳамид КАРЗАЙ, Афғонистон Муваққат ҳукумати раиси

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳурматли Ислом Каримов,

Сизни ва биродар ўзбек халқини муборак Қурбон байрами муносабати билан самимий табриклайман. Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт ва саодат, Ўзбекистон халқига эса тинчлик, осойишталик ва равнақ тилайман.

Эҳтиром билан,

Ҳайдар АЛИЕВ, Озарбойжон Республикаси Президенти

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич,

Муборак Қурбон байрами муносабати билан Сизга ўзимнинг энг самимий тилакларимни йўллайман.

Қодир Аллоҳ Сиз, Жаноби Олийларига соғлиқ ва бахт, биродар Ўзбекистон халқига эса тинчлик, хурсандлик ва равнақ ато этсин.

Эҳтиром билан,

Сапармурод НИЁЗОВ, Туркманистон Президенти

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Мусулмонларнинг улуғ байрами - Қурбон ҳайити муносабати билан Сизни ва қардош Ўзбекистон халқини Қирғизистон Республикаси халқи ва шахсан ўз номимдан самимий муборакбод этаман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақиятлар, ўзбек халқига эса тинчлик, омонлик ва равнақ тилаб билдирган самимий истакларимни қабул қилгайсиз.

Эҳтиром ила,

Асқар АКАЕВ, Қирғизистон Республикаси Президенти

МАТБУОТНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати ташаббуси билан оммавий ахборот воситалари вакилларининг давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда радио ва телевидение, ахборот агентликлари раҳбарлари, етакчи газеталар бош муҳаррирлари, бош муҳаррир ўринбосарлари, таҳририятларнинг иқтисодиёт ва аграр масалалар билан шуғулланувчи бўлим мудирлари, мухбирлар иштирок этди.

Анжуманда Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилги вазифаларга бағишланган йиғилишида, шунингдек, Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқларида қўйилган масалаларнинг ижроси оммавий ахборот воситаларида қандай акс этаётгани хусусида гап борди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот котиби Рустам Жумаев анжуманда сўзга чиқиб, бозор муносабатларига ўтиш, хусусийлаштириш, умуман ислоҳотлар жараёнини тўлақонли ёритишда журналистларда ҳар доим ҳам касбий малака етишмаётганини таъкидлади. Айни вақтда воқеа, ҳодисалар таҳлили саёз, баъзан бир ёқлама ёритилиши, жойларда содир этилаётан қонунбузарликларга нисбатан муросасозлик кўзга ташланаётганига эътиборни қаратди. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, матбуот кузатувчи эмас, жараёнларнинг фаол иштирокчиси, йўналтирувчи, бунёдкор куч бўлиши керак.

Оммага мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, молиявий сиёсат моҳиятини содда, равон, тушунарли тилда етказмоқ зарур. Табиий захираларимиз - ердан, сувдан оқилона фойдаланиш, газ, электр энергиясини истифода этишда исроф-гарчиликка йўл қўймаслик ҳаёт талаби эканлигини тушунтириш бугунги матбуотнинг долзарб масалаларидандир.

Давра суҳбати иштирокчилари кўтарилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

(ЎзА).

Сурхондарё вилоят кенгаши сессиясидан кейинги ўйлар

МУРОСАСОЗЛИК ҳамиша қимматга тушади

Сессияда кўпчиликни ўйлантираётган масала, муаммолар хусусида атрофлича гап борди. Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида камчиликларнинг туб сабаблари, уларни бартараф этиш йўллари, раҳбар масъулияти ҳақида қимматли йўл-йўриқ, маслаҳатлар берди.

Таъкидланганидек, ҳақиқатан ҳам аҳоли соғлиғини сақлаш борасидаги ишлар айниқса, Шўрчи ва Узун туманларида фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Далилларга мурожаат қилайлик. Шўрчи туман марказий шифохонасига қарашли «Шошилинч тиббий ёрдам хизмати»нинг моддий техника базаси ўта ночор аҳволда. Мавжуд тез ёрдам машинаси бир кун ишласа, икки кун ишламайди. Важ-баҳоналар кўп. Баъзан эҳтиёт қисмлар йўқ дейишса, гоҳида бензин танқислигини рўкач қилишади. 30 ўринга мўлжалланган даволаш корпусида бирор кун ҳам беморлар тўлиқ бўлмайди. Чунки зарур дори-дармонлар, тиббий асбоб-ускуналар етишмайди. Бундай ҳолат шифохона бош ҳакими А.Соатовни зиғирча ҳам ташвишлантирмаяпти. Бу ҳақда шошилинч тиббий ёрдам бўлими бошлиғи шундай дейди:

— Бўлимимиз шифохона қошидаги дорихонада тайёрланаётган дори-дармондан бошқа ҳеч нарса олмайди. Шу боис аҳолига кўрсатаётган хизматимиздан ўзимизнинг ҳам кўнглимиз тўлмаяпти. Боз устига мавжуд телефонларимиз баъзан ишлаб, баъзан ишламайди.

Узун туман «Серҳаракат» қишлоқ тиббиёт шоҳобчаси 1998 йил 1 январдан фаолият юритаётган бўлса-да, аҳолига намунали хизмат кўрсата олмаяпти. «Тез ёрдам» машинаси носозлиги, бензин йўқлиги боис, шоҳобча орқа томонига яшириб қўйилганини қандай тушуниш мумкин. Тўрт йил давомида телефон нуқтаси ўрнатилмаганлиги эса одамларнинг ортиқча овораи сарсон бўлишига сабаб бўлаётир. Физиотерапия хонасида ҳамширанинг рисоладагидек ишлаши учун шарт-шароит яратилмаган. Бунинг устига терапевт А.Жўраев, стоматолог А.Холмуродов, аёллар маслаҳатхонасида ишлаётган Сора Бозоровалар ҳанузгача умумамалиёт курсини ўташмаган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатимизда жадаллик билан амалга оширилаётган бир паллада Ангор туманидаги 33-мактабдаги аянчли аҳволни кўриб, нима дейишни билмайсан киши. Бу ҳақда мактабнинг «Жисмоний тарбия» ўқитувчиси Шайдулла Чориевнинг куюнчаклик билан айтган гаплари ҳар қандай кишини ҳам бефарқ қолдирмаса керак.

— Мактабимиз тўққиз йиллик бўлиб, оралиғи 3-4 чақирим жойдаги 2 та таъмирталаб бинода жойлашган. 200 нафар ўқувчи уч-тўрт сменада ўқишади. Қиш мавсумида синфхоналарни иситиш учун кўмир ҳам анқонинг уруғи бўлди. Ўқувчиларимиз асосан, Денов туманининг 5 та хўжалигидан кўчиб келган ишчиларнинг фарзандларидир. Ўқитиш ишлари ҳам шароитга яраша ўлда-жўлда. Айниқса, қишлоғимиздаги аҳвол ўта ночор. Жисмоний тарбия фанини ўтиш учун ҳатто оддий копток йўқ. Спорт зали, сузиш ҳавзасини фақат тушимизда кўрамиз. Мавжуд ўйингоҳ талабларга мутлақо жавоб бермайди. Энг ташвишланарлиси эса, парталар, ҳатто доскалар етишмаслигидир.

Камчиликларнинг бош сабабларидан бири, қатор мутасадди раҳбарлар бундай нохуш вазиятлар билан муроса қилиб келишмоқда. Муросасозлик эса ҳамиша қимматга тушади. Вилоят кенгаши сессиясида айтилган аччиқ, аммо адолатли гаплар кишиларни ўйлашга, мушоҳада юритишга, унумли меҳнат қилишга чорлади. Ўйлаймизки, сабоқлардан ушбу мақолада эътироф этилган шифо масканлари ҳамда мактабларнинг раҳбар ва мутахассислари ҳам тегишли хулоса чиқарадилар.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.

Бир фармон шарофати

АЁЛЛАР ВА ЁШЛАР

саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида ибратли тадбирлар амалга оширилянти

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, жисмонан ва маънан етук авлодни шакллантириш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш ва оиланинг тиббий маданияти даражасини ошириш долзарб вазифадир. Хоразм вилоятида аҳолининг репродуктив саломатлиги кўрсаткичи мамлакат даражасидан орқада қолаётир. Шу боис, экологик вазиятни мўътадиллаштириш чора-тадбирлари белгиланиб, муайян ишлар амалга оширилмоқда.

— Касаба уюшмалари Кенгашининг мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилган йиғилишида репродуктив саломатликни, ёшлар ва оилаларнинг тиббий маданиятини, соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялашни яхшилаш бўйича аниқ дастурлар ишлаб чиқилди, - дейди биз билан суҳбатда вилоят Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Б.Маткаримов. - Ҳар бир қишлоқ ва туманда, шаҳарларда фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, соғлиқни сақлаш, молия, халқ таълими, ўрта махсус ўқув юртлари, меҳнат ва аҳолини муҳофаза қилиш бошқармалари, жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси билан биргаликда ёш авлод тарбияси, оналик ва болаликни муҳофазалаш, оилани мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар амалга оширилаяпти.

Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги Фармони асосида тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базаси анча мустаҳкамланди. Шу кунгача вилоятда 42 та қишлоқ тиббиёт шоҳобчаси ишга туширилди. Дастурга мувофиқ 103 нафар умумий амалиёт мутахассиси тайёрланди. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг вилоят ва туман бўлимлари ташкил этилди. Филиал ва бўлимларда 190 нафар малакали, 415 та ўрта махсус тиббиёт ходимлари ишлаяпти. Бу шифо масканларига 54,7 миллион сўмлик энг замонавий тиббий асбоблар ўрнатилди. Таъмирлаш ишларига 250 миллион сўмликдан кўпроқ маблағ сарфланди. Қўшкўпир, Шовот, Гурлан каби туманларнинг шошилинч тиббий ёрдам бўлимларига жарроҳлик жамланмалари, гастродуаденоскоп, 14 та «Дамас», «Тайота», «Газел», тез ёрдам машиналари, юмшоқ жиҳозлар олиб берилди.

Маҳалла (шаҳар) тиббиёт шоҳобчаларини кенгайтириш дастурига кўра Урганч шаҳрида 2 та, Ҳазорасп туманида 1 та шифо маскани қурилади.

Тиббиётда хусусийлаштириш давом этмоқда. Шу кунга келиб нодавлат муассасалари сони 43 тага етди. 213 нафар шифокор хусусий шифокорлик фаолияти билан шуғулланаяпти.

Вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан 600 миллион сўмликдан ортиқ маблағ сарфланиб, болалар касалхонаси қайта таъмирланди. Унга 120 миллион сўмлик замонавий асбоб-ускуналар келтирилди. Япония ҳукумати томонидан хорижий ускуналар олиш учун 50 минг долларлик грант ажратилди. Бир кечакундузда 200 нафар фуқарони қабул қилишга мўлжалланган поликлиника, 60 ўринли юқумли касалликлар шифохонаси қурилди. 6 та тиббиёт муассасаси қурилиши жадал суръатларда олиб борилаяпти.

Соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштиришга 5,9 миллиард сўм сарфланди. Ўтган йили бюджетдан ташқари 58 миллион сўм маблағ ишлаб топилди.

Вилоят Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитаси тасарруфида 160 та юридик шахс мақомига эга ташкилот бўлиб, уларда 60550 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаяпти. Қўмита ва унинг бошланғич ташкилотлари меҳнаткашларнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашга алоҳида эътибор бермоқда.

Ташкилотларнинг 79 тасида жамоа шартномалари имзоланган. Касаба уюшмаларининг фаоллиги билан хўжаликлар ҳисобидан барча имтиёзлар учун 166 миллион 612 минг сўм ажратилди. Айниқса, аёллар ва ёшлар соғлиғини яхшилаш алоҳида эътиборда. Тизимда хизмат қилаётганлардан 251 киши сиҳатгоҳларда, 1500 нафар аёл вилоятдан ташқаридаги санаторий ва профилакторийларда имтиёзли даволандилар. 3 ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий таъминланаётган аёлларнинг иш вақти маоши сақланган ҳолда ҳафтасига 35 соат қилиб белгиланди.

Бошланғич ташкилотлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган. «Ҳамшира», «Оилавий ансамблар» кўрик-танлови, «Саломатлик» спартакиадаларини ўтказиш одат тусига кирган. Айниқса, «Энг яхши касаба уюшма қўмитаси раиси» кўрик-танлови қизиқарли бўлди. Унда кўп балл тўплаган вилоят болалар шифохонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Болтабой Болтаев биринчи, Янгиариқ туман марказий шифохонасидан Искандар Абдуллаев иккинчи, Ҳазорасп туман шифохонасидан Рамонберган Машарипов учинчи ўринни эгаллаб, қимматбаҳо совғалар билан мукофотландилар.

Н.ИСОМУДДИНОВ.



«Ўзбек ипаги» уюшмасига қарашли Марғилон механика акциядорлик жамиятида иш унуми юқори бўлмоқда.

Айни чоғда механика, чилангарлик, ностандарт маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ёғочга ишлов бериш цехларида 150 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Айниқса, механика цехида энг юқори аниқликдаги эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган 22 та дастгоҳ электронлаштирилган. Бу ерда тайёрланаётган эҳтиёт қисмлар «Ўзбек ипаги» уюшмаси ва мамлакатимиз саноат корхоналарига етказиб берилмоқда.

Суратларда: ишчи Нурмат Йўлдошев; механика цехи устаси Ҳотам Аҳмедов, цех бригадири Акбарали Йўлдошев ва механика цехи бошлиғи Банноп Эрбобоев.

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

Меҳр-мурувват чегара билмас

БИРОНТА БОЛАНИНГ КЎНГЛИ ЎКСИМАЙДИ

Болаликнинг мусаффо туйғулари... Эндигина уч ёшга тўлган жажжигина болажонларнинг раксга тушишлари бирам ширин, бирам ёқимли.

Ўзининг бутун ҳаётини ёш авлод камолотига бағишлаган, юзлаб болаларнинг онахони Раида Йўлдошева ва у раҳбарлигидаги 107 кишилик жамоа улар атрофида парвона. Кўп йиллик меҳнати эвазига «Шуҳрат» медали билан мукофотланган бу фидойи аёлни нафақат Хўжайлида, балки Қорақалпоғистонда ҳам яхши билишади ва ҳурмат қилишади.

— «Меҳрибонлик» уйи ташкил топган 1922 йилда ўн-ўн иккита бола бўлган, — дейди Раида опа. — Ҳозир уч ёшдан 17 ёшгача турли миллат вакилларидан иборат 281 нафар ўғил-қиз бор. 35 нафар тарбиячи, 12 нафар энага болалар тарбияси учун жон куйдиришаяпти.

Республика ҳукуматининг ёрдами билан болалар масканига 10 миллион сўмлик маблағ сарфланиб, қайта таъмирланди, ошхона, спорт майдончалари қурилди, ситиш тармоқлари алмаштирилди, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари амалга оширилди.

Болалар уйидаги 1-, 4-синфларда 125 нафар бола билим олаяпти. Тажрибали педагог Камол Ғойибов ўғил-қизларнинг компьютер саводхонлигини ошириш учун бутун билим ва маҳоратини аямаяпти.

Тажрибали муаллималардан Д.Саъдуллаева ва Р.Асадбоевалар ҳар бир дарсни кўргазмали қуроллар ва техник воситалар билан ўтказишади. Нукусдаги «Тараққиёт» тил ўрганиш маркази ходимлари Роза Узоқбоева ва Лолахон Ортиқсафоева чет тили машғулотларини олиб боришаяпти.

Кичик гуруҳларда тарбиявий ишлар талаблар даражасида йўлга қўйилган. 10 мингтадан ортиқ китоб фондига эга кутубхонада турли бадиий адабиётлар, газета-журналларнинг янги сонлари мавжуд. Ишчан мудира Розия Туқумбетова томонидан бадиий кечалар, ижодкорлар билан учрашувлар уюштирилади.

Мусиқа раҳбари Эркин Тоғаев ёшларнинг бадиий ижодиётини ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётган бўлса, жисмоний тарбия ўқитувчиси Алишер Байшуев ташаббуси билан спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб борилмоқда.

Таэкван-до, сураткашлик, рақс тўгараклари очилган. Зулфия Нафиқова раҳбарлигида фаолият кўрсатаётган ёш рассомларнинг асарларида Ватан ва онага меҳр-муҳаббат, табиат манзаралари акс эттирилган.

Тарбияланувчиларнинг дам олишлари учун ҳамма қулайликлар яратилган. 140 ўринли ошхона, ётоқхона, спорт мажмуи улар хизматида. Қўли гул ошпазлар томонидан мазали таомлар тайёрланиб, ҳар куни беш маҳал иссиқ овқат, мева-чевалар, сабзавотлар, полиз экинлари бериб борилади.

Соғ танда соғлом ақл, дейишади. Олий тоифали шифокор Саида Мадаминова ва уч нафар ўрта махсус маълумотли тиббиёт ходими фарзандлар саломатлиги учун масъул.

— Ҳукуматимизнинг яқинда қабул қилган Қарори ва Давлат Дастурида ота-онасиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган қатор имтиёзлар берилган, — дейди Р.Йўлдошева биз билан суҳбатда. — Етим болалар барча турдаги умумтаълим мактабларини битириб чиқаётганда ва ишга жойлашаётганда кийим бош, пойабзал ва анжомлар сотиб олиш учун тўланадиган нафақа миқдорини 2002 йилда энг кам ойлик иш ҳақининг 80, 2003 йилда 100 бараваригача, шунингдек, пул нафақасини 2003 йилда энг кам иш ҳақининг 5 бараваригача ошириш белгиланган.

Бу имтиёзлар давлатимизнинг ёш авлодга бўлган ғамхўрлигининг яна бир исботидир.

«Меҳрибонлик» уйининг моддий-техника заҳираси мустаҳкамланмоқда. Бултур давлат бюджетидан 73 миллион 153 минг сўм ажратилган бўлса, жорий йилда 177 миллион 210 минг сўмлик маблағ сарфлаш режалаштирилган. Бундан ташқари, ҳомийлар томонидан ҳар йили беш миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатиласяпти. Биргина «Нукус» фирмаси 100 минг сўм билан қўллаб-қувватлади. «Озодлик» деҳқон-фермер хўжалиги сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан бепул таъминлаб турибди. Касаба уюшмалари республика Кенгаши, Хўжайли туман ҳокимлиги, Халқ таълими вазирлиги, «Болалар», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, «Қизил ярим ой» жамияти, «Тахиатошдон» ҳиссадорлик корхонаси, «Озода» хусусий фирмаси моддий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда.

Болалар уйида тарбияланган ёшлар жамиятимизга муносиб кишилар бўлиб етишишган. Хўжайли шаҳар газлаштириш идораси бош инженери Пардабой Киулбоев, Тахиатош мусиқа мактаби директорининг ўринбосари Турсунмамат Хўжамберганов, болалар уйи тарбиячилари Олтин Ўразбоева, Фотима Кинесова сингарилар шу жамоада камол топганлар.

Ўтган йили тарбияланувчилардан биттаси олий ўқув юртига, 4 таси педагогика коллежларига ўқишга кирди.

Раида опанинг жонкуярлиги ва ҳомийларнинг қўллаб-қувватлаши билан ўтган йил ёзида 28 нафар ўғил-қиз Краснодар ўлкасининг Анапа шаҳридаги «Металлург» санаторийсида даволаниб келди. 300 нафар бола касаба уюшмалари республика Кенгашининг бепул йўлланмаси билан Тошкент, Фарғона вилоятларидаги оромгоҳларда соғлиқларини тикладилар.

Фидойи жамоанинг меҳнатлари муносиб тақдирланган. Муаллим ва тарбиячилардан 7 нафарига «Қорақалпоғистон халқ таълими аълочиси» фахрий унвони берилган.

«Меҳрибонлик» уйининг таклиф ва мулоҳазалар дафтарини варақлаймиз. Тошкентда яшовчи Олтиной Сариеванинг ҳаяжонли сўзларини ўқиган кишининг кўзига ёш келади. Оғир касалга чалиниб, ўғлим Ботирхонни болалар уйига топширишга мажбур бўлган эдим. Оллоҳга минг шукурки, тузалганимдан сўнг келсам яккаю-ёлғиз фарзандим меҳрибонлар оғушида экан. Мен улардан умрбод миннатдорман.

Олтиной ўтган йили 8 ёшли фарзанди Ботирхон Бахтибоевни уйига олиб кетар экан, тарбиячиларга қалб ташаккурини қандай изҳор этишини билмасди.

Кегайли туманининг Халқобод шаҳарчасида яшовчи биринчи гуруҳ ногирони 65 ёшли Иброҳим Қорабоев 2002 йилнинг январ ойида нафақасидан болалар уйига тақдим этди. Бундан ортиқ инсонпарварлик бўлмаса керак.

Иззат ҲИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

КАСАБА УЮШМА КАДРЛАРИ ЎҚУВИ

билим ва малакани ошириб, тажриба алмашишга имкон яратди

Ўзбекистон касаба уюшмалари ўқув марказида ташкил этилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгашлари ва тармоқ Марказий қўмиталарининг маданият, спорт ишлари ва ижтимоий муаммолар бўлими мудирларининг ўқув-семинари ниҳоясига етди. Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Озода Муҳитдинова касаба уюшмалари тизимидаги маданий-маърифий муассасалар ишини такомиллаштиришда касаба уюшмаларининг вазифалари, бу борада олиб борилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Ўқув-семинарнинг 30 нафар тингловчиси ЎзКУФК мутахассислари, таниқли ҳуқуқшунослар, иқтисодчи-олимларнинг долзарб мавзулардаги чиқишларидан баҳраманд бўлдилар. Хусусан, Федерация Кенгаши Юридик бўлимининг меҳнат-ҳуқуқ нозири Н.Ефимованинг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги маърузаси барчада қизиқиш уйғотди.

Шунингдек, Федерациянинг Халқаро бўлими мудири Р.Раҳмонованинг «Касаба уюшмаларининг халқаро фаолияти», Федерация Кенгашининг Ижтимоий уғурта бўлими мудири Ж.Султоновнинг «Ижтимоий суғурта маблағларини сарфлаш қоидалари ва меъёрларига риоя қилиш ҳамда уни назорат қилиш» мавзуларидаги чиқишлари касаба уюшма етакчиларини энг зарур маълумотлардан хабардор этди.

Таъкидлаш зарурки, асосий эътибор болалар оромгоҳларини мавсумга тайёрлаш, ўғил-қизларнинг соғломлаштиришни кўнгилдагидек ташкил этишда касаба уюшмаларининг вазифаларига қаратилди.

Бундан ташқари, жамоа келишувлари ва шартномалар, меҳнат жамоаларида жисмоний тарбия ва спорт ишларини ташкил этишнинг асосий йўналишлари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари фаолиятини кучайтиришда касаба уюшмаларининг роли, касаба уюшмалари тизимидаги маданият уйлари, саройлар, клуб ва кутубхоналарнинг ишини ташкил этиш, улар фаолиятини такомиллаштириш каби масалалар ҳам ўқув-семинар иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

Тингловчилар кейинги ўқувларда Маданият ишлари вазирлигидан вакиллар, гендер масалалари бўйича мутахассислар, психолог ва диншунослар ҳам таклиф этилса янада мақсадга мувофиқ бўлишини билдирдилар.

Ўқув-семинар иштирокчилари республика Санъат музейи, Митрофанов номли сув спорти мажмуи, Темирйўлчилар маданият саройида бўлдилар.

Муҳаббат ДАВРОН, «Ишонч» мухбири.

«Ишонч» фош этади

ИССИҚХОНА

ноқонуний тарзда газ тармоғига уланган...

Халқимизда қадимдан тежамкорлик хислати қадрланиб, исрофгарчилик қаттиқ қораланган. Шу боисдан ҳам ота-боболаримиз «Қўя-қўя есанг, қўй ортар, тортаторта есанг, мой ортар», «Тежоғлиқ иш — бежоғлиқ иш» каби мақолларни ардоқлаб, уларни ҳаётда кенг қўллашган. Юртбошимиз Ислом Каримов 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йил вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида сўзлаган нуткида айрим аҳоли қатламлари томонидан табиий газдан фойдаланишда исрофгарчиликка, ҳатто кўзбўямачиликка йўл қўйилаётганини таъкидлаб ўтди. Шу ўринда бир савол туғилади. Хўш, нега фойда кетидан қувган айрим кишилар тўғри йўл қолиб, эгри йўлдан юришади?

Пойтахт вилоятининг Қибрай туманида ўзларини тадбиркорман дея кўкрагига уриб юрган айрим кимсалар камроқ ҳаражат қилиб, кўпроқ пул тежаб қолишни орзу қилишибди. Шулардан бири Ғузор кўчаси 2-тор кўча, 14-хонадонда яшовчи Ниғматилла Азизхўжаев бўлиб чиқди. Бу «кашфиётчи» ўзининг 1,7 сотихли иссиқхонасининг иситиш мосламасини ноқонуний равишда табиий газга улаб олган экан. Шу тумандаги «Янгиобод» фуқаролар йиғинига қарашли «Дўстлик» кўчаси, 75-хонадонда истиқомат қилувчи Мамадиёр Аҳмедов ҳам ўзининг 1,5 сотихли иссиқхонасини ҳамқишлоқларининг уйини иситиб, қозонини қайнатаётган «зангори олов»ни текин ишлатиб бойимоқчи бўлган.

Биз тумандаги хўжаликларни айланганимизда айрим шахслар газни тандирхона ва устахоналарга ноқонуний равишда улаб олганликларининг ҳам гувоҳи бўлдик. «Салор» фуқаролар йиғинига қарашли Университет кўчаси, 45-хонадонда яшовчи Қобил Холмуродов ҳам газни тандирга мослаштириб олибди. Мирзо Улуғбек маҳалласининг «Қорамурт» кўчасидаги 24-хонадонда яшовчи Шуҳрат Норматов эса авто устахонасидаги иситгични газга мослаштириб, «исиниб» ётганининг устидан чиқдик.

«Бузоқни югургани сомонхонагача» деб бежиз айтишмаган. Юқоридаги барча тартиббузарлар эндиликда қилмишларига яраша жавоб беришлари аниқ.

— Афсуски, бундай кўнгилни хижил қиладиган ҳолатлар ҳамон учраб турибди, — дейди Қибрай газ таъминот шоҳобчаси газ назорат гуруҳининг бошлиғи Мурод Қорабоев. — Биз газдан фойдаланиш қоидасини бузган фуқароларни аниқлаб, уларни моддий жавобгарликка тортяпмиз. Бу ишда бизга милиция ҳамда прокуратура ходимлари яқиндан ёрдам беришмоқда.

Ҳа, албатта ҳар бир эгри иш жазосиз қолмаслиги аниқ. Лекин шуниси кишини ажаблантирадики, табиий газни иссиқхона ёки устахонасига ноқонуний равишда улаб олган кимсалар наҳотки қўшнилари ҳамда қария ва гўдакларнинг совуқда азият чекишларини билишмаса?!

Ўтган йили ўтказилган тадбирлар натижасида вилоятда 971 та иссиқхона эгалари газдан ўзбошимчалик билан фойдаланганликлари аниқланиб, 401 тандирхона, 2263 та хонадон эгалари ва 531 та маиший хизмат кўрсатиш корхонаси раҳбарларига ва 2339 нафар қонунбузарга нисбатан ҳужжатлар расмийлаштирилиб, тегишли чоралар кўрилди.

— Биз газдан ноқонуний фойдаланаётганларга қарши муросасиз кураш олиб бормоқдамиз, — дейди «Тошвилоятгазтаъминот» шўъба ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари вазифасини бажарувчи Ниғмат Акромов. — Бунинг олдини олиш мақсадида газдан фойдаланадиган хонадонларга ҳисоблагичлар ўрнатишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Айни вақтгача 31625 хонадонга ана шундай мосламалар ўрнатилди. 2002 йилнинг 3-чорагидан 2003 йил охирига қадар вилоятдаги хонадонларни ҳисоблагичлар билан таъминлаш дастури ишлаб чиқилди ва уни бажариш учун барча чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Ҳа, катта бойлик бўлмиш табиий газдан тўғри ва оқилона фойдаланиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Лекин ундан ўз манфаати йўлида ғайриқонуний равишда фойдаланаётган кимсалар қонун олдида жавоб беришади.

Неъмат РАФИҚОВ, «Ишонч» мухбири.

НАВРЎЗИ ОЛАМ ЯҚИН

Тараддуд

Дунё дунё бўлганидан буён инсон вақт билан тиллашади, уни ўз йўриғига юргизмоқ истайди. Баъзан бунга эришади ҳам. Лекин шундай дамлар борки, унинг қаршисига бутун борлиқ бир вужуд бўлиб поёндоз ёзиб чиқади. Бу баҳор эпкинларидан тикилган ҳарир либосли Наврўзи оламдир. Уни интиқлик ила кутишимиз, алоҳида меҳр кўргазишимиз аслида шундан.

Олий Мажлис депутати, Қумқўрғон тумани ҳокими Н.Чориев билан суҳбатимиз ҳам ана шу хусусдадир.

ЎЗ ҚАДРИНИ БИЛГАН ЭЛ

— Ўқ томири мозий деб аталмиш олис ўтмишдан озиқланиб келаётган Наврўзи олам Истиқлол йиллари янада кўрк-чирой очди, мазмунан бойиди, — дейди Нормўмин Омонович. — Ўзлигини таниган халқ учун у авваламбор мустақиллик тимсоли бўлиб қолди. Нисбатан қисқа вақт ичида Наврўз қайтадан кашф этилди. Эндиликда у дилдан яйраб дам олинадиган, йилда бир марта келадиган ва ошиғич тарзда ўтиб кетадиган оддий тантана ҳолатидан чиқиб, ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида ҳам нишонланадиган, одамлар хотирасига ўз муҳрини босиб, энг муҳими, элни янгиянги бунёдкорлик ишларига даъват этадиган катта кучга айланди.

Бугун қаерга қараманг, мен юртим учун нима қилдим, дея ўзўзига савол бериб, лоақал битта ниҳол ўтқазиш билан эл корига яраш иштиёқида юрган кишиларга кўзингиз тушади. Ким зовур тозалаган, ким дарахтларга ишлов берган, яна ким эса кўча юзасини супуриб-сидирган. Барида ўзбекона саранжом-саришталик, таъбир жоиз бўлса, остонада турган азиз меҳмон — Наврўзи оламни иззат-ҳурмат билан қаршилаш тадориги.

— Маслаҳатли тўй тарқамас, дейдилар. Наврўз ҳам аслида бир тўй — бобо деҳқон айнан шу тўйни ўтказиб-гина дала юмушларига киришади.

— Дарҳақиқат, шундай. Бугун боғ-роғларга боқиб, дилингиз яшнаб кетади. Шиғил гуллаган бодомдан сўнг яна бир қатор эртапишар мева дарахтлари ҳам ўзини кўз-кўз қилмоққа бошлади. Бир қарич бўлиб қолган буғдой майсалари ёнида ҳадемай эгатлар олиниб, чигит қадаш ишлари ҳам бошланиб кетади.Чеканка қил, сув тара, чопиғига қара деб хаш-паш дегунча яна очил дастурхон ёзиб куз ҳам келиб қолади...

Қаердаки рағбат бўлса, ўша ерда меҳнат самарали бўлади. Шуни инобатга олиб, тумандаги хўжаликлар ўртасида ҳам пахта, ҳам ғалла ҳосилдорлиги илғорларини тақдирлаш маросимини айнан Наврўз байрами кунларида ўтказмоқчимиз. Агар ғаллакорлар ўртасида ташкил қилинган мусобақа ғолибларини учта рангли телевизор, олтита гилам ва яна кўплаб мукофотлар кутиб турган бўлса, пешқадам пахтакорлар «Нексия» ва «Тико» автомобили соҳиби бўлишади. Режани бажарган хўжаликлар эса талай; хусусан пахтачиликда Сафар Бойматов номли, «Беш қаҳрамон», «Оқ қапчиғай» каби ширкат хўжаликлари бошқаларга ибрат бўларли даражадаги натижаларни қўлга киритганлар.

Бу масалада якка тартибдаги тадбиркорларимиз ҳам қараб турмоқчи эмаслар, албатта. Улар ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда кўплаб совға-саломлар тайёрлаб қўйганлар.

Бир сўз билан айтганда, ҳеч ким эътибордан четда қолмайди. Кам таъминланган оилалар, ногиронлар, қаровчисиз ёлғиз инсонлар меҳр-мурувват оғушида бўладилар. Табиийки, Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан улуғ ёшли отахону-онахонларимиз эъзоз-эҳтиром билан қуршаб олинади. Дарвоқе, шу йилнинг кузигача «Ўзбекистон» ва «Қумқўрғон» ширкат хўжаликлари ҳудудида барча қулайликларга эга бўлган «Нуронийлар чойхонаси»ни қуриб топширишни режалаштирганмиз.

— Наврўз — халқ сайли. Унинг ўзига яраша ёзилган ва ёзилмаган шартлари бор.

— Сурхондарё полвонлар ва чавандозлар юрти. Қолаверса, бу маъвода халқ ўйинлари энг қадимий тусда сақланиб қолинган. Зеро, нафақат замонавий спорт мусобақалари, шунингдек халқ дилига яқин беллашувлар — арқон тортиш, тортишмачоқ, тош кўтариш, елкада кураш, кўпкари каби халқ ўйинларига ҳам кенг ўрин берилади. Хусусан, туманимиздаги таниқли чавандоз Эргаш Суванов ўз шогирдлари билан от елдирса, чанқовуз чалиш бўйича вилоятда тенги йўқ созанда Жума Абрайқулов ўз маҳоратини намойиш этади.Сеҳрли овоз соҳиби, ёш баҳши-шоирлар республика кўрик-танлови совриндори Исмоил Анваров ўзининг дилтортар куй-қўшиқлари билан дилларга ором бахш этади.

Шунингдек, кўплаб оилавий ансамбллар, ҳаваскорлик дасталари ва санъат бўстонига энди-энди кириб келаётган ёш-ёш ғунчалар иҳросида ажойиб концерт дастурлари тақдим этилади.

Байрам қилишни билган халқ меҳнатда ҳам ҳеч кимдан ортда қолмайди, дейдилар. Бу рост гап. Ҳаётнинг ўзи уни тасдиқлаб турибди.

Суҳбатдош: Зайниддин РИХСИЕВ.

МЎЪЖИЗА ТАОМ

Қадим замонларда бир камбағал аёлнинг Ҳасан-Ҳусан ўғиллари бўлиб, улар жуда ҳам ёш экан. Аёлнинг топган-тутгани қишлигига зўрға етиб, бир амаллаб кўкламга чиқиб олибдилар.

Уйларида егулик ҳеч вақолари қолмабди. Ўзи майлику-я, лекин икки норасидасининг зор-зор йиғлашларини кўриб, онаизор чидаб туролмабди. Уларни ўйин-кулги билан овутмоқчи бўлган экан, барибир эгизаклар хархаша қилаверибдилар. Шунда она бечора нима қилишини билмай, ўчоқ бошига борибди-да:

— Болаларим, бирпасгина ўйнаб ўтиринглар, мен ҳозир сизларга овқат пишириб бераман, - деб қозонга сув солиб, тагига ўт қалабди. Сўнгра далага чиқиб, ўтган йилги буғдой томирларини, эндигина ниш ура бошлаган шифобахш ўтўланлардан териб келиб, яхшилаб ювибдида, қозонга солибди. Ун халтасини, супрасини қоқиштирган экан, бир-икки каппа ун-ур-воқ чиқибди, униям қозонга ташлаб, қайнаверибди. Ковлаётганда овози чиқиб, билиниб турсин учун беш-олтита тошчаларниям ювиб қозонга ташлабди-да, чўмич билан айлантираверибди. Ҳар айлантирганда тошлар шарақлаб овоз чиқариб, буни эшитган Ҳасан билан Ҳусан «онамиз бизга овқат пишираяптилар», - деб суюнишиб, ўйнай бошлашибди. Тун ярмидан оққанда болалар ўйнай-ўйнай чарчаб, охири ухлаб қолибдилар. Она бўлса, қозонни ковлашдан тўхтамай, гўдаклари оч-наҳор ухлаб қолганликларига ичи ачишиб, кўз ёши шашқатор бўлибди.

Тонгга яқин она ҳам ковлашдан чарчаб, қозоннинг қопқоғини яхшилаб ёпиб, димлабдида, болаларининг ёнига ёнбошлаб уйқуга кетибди. Эрталаб болаларининг шовқинидан уйғониб қолиб қараса, Ҳасан-Ҳусанлари қозонга қўлчаларини тиқиб, ниманидир ялашаётганмиш. Мўъжиза рўй берганидан кўзларига ишонмаган онаизорнинг ўзиям жимжилоғи билан қозондаги таомдан ялаб кўрса, ширин нарса экан. Шунда болалари:

— Она, бу овқатингизнинг номи нима? - деб сўрашибди.

— Болаларим, бу малойикаларнинг каромати билан пишди. Унинг оти сермалак, - дебди.

Бу сўз кейинчалик «сумалак» бўлиб ўзгариб кетган экан. Ҳатто ҳозир ҳам кекса онахонларимизу пири бадавлат отахонлар сумалакни татиб кўришдан аввал «Қани, Ҳасан-Ҳусанларнинг таомидан ялайлик», - деб аввал жимжилоғлари билан ялашади.

ҲАР ЙИЛГИДАН ШУКУҲИ ЎЗГАЧА

Мамлакатимизда кўклам нафаси сезилиб қолди. Бу янги кун — Наврўзи оламдан нишонадир. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши жорий йилда ҳам «Наврўз» умумхалқ байрамини кўнгилдагидек нишонлаш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Шу мақсадда хўжалик органлари билан ҳамкорликда махсус тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Ҳозирда ушбу тадбирларни амалга ошириш бўйича тузилган ишчи гуруҳлари иш олиб бормоқда.

— Бу йилги Наврўзнинг аввалгиларига қараганда янада гўзалроқ, фусункор ва шукуҳли ўтишини таъминлаш йўлида барча имкониятлар ишга солинган, - дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Маданият, спорт ишлари ва ижтимоий муаммолар бўлими мудири Асқарали Султонов. - Хусусан, жойларда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини уюшқоқлик билан ташкил этиш, янги боғлар барпо қилиш кўзда тутилган.

Халқимизнинг азалий одатларидан бири инсонларнинг бир-бирларига меҳр-оқибат, мурувват кўрсатишларидир. Хусусан, кам таъминланган оилалар, якка-ёлғиз, боқувчисини йўқотган инсонлар, айниқса, қариялар «Саховат» ва «Меҳрибонлик» уйларига ҳомийлик ёрдами кўрсатилади. Бундай кишиларнинг ҳолидан хабар олиниб, совға-саломлар ҳадя қилинади. Мактаб-интернатлар тарбияланувчилари ҳам бундай хайрли амаллардан четда қолмайдилар. Уларга турли ўқув жиҳозлари, спорт анжомлари топширилади.

Корхона ва ташкилотларда эса катта байрам тантаналари уюштирилиб, касаба уюшмалари бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг концертлари, миллий спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил этилади.

Қарияларни қадрлаш йилидаги Наврўз тантаналарининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, уларда отахонлар ўртасида Фарғона ва Бухоро усули бўйича кураш турнири уюштирилиб, оммавий сайлларда беллашувлар ўтказилади. Сайллар дастуридан халқ ўйинлари, фольклор-этнографик дасталарининг чиқишлари, ажойиб кўрик-танловлар жой олган.

Таъкидлаш лозимки, республикамизда Наврўзи оламга бағишлаб ташкил этиладиган тантаналарда Фарғона вилояти касаба уюшмаларига қарашли «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида ташкил этилган «Фантазия» ритм-шоу жамоасининг ҳам фаол иштирок этиши кўзда тутилган.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, «Ишонч» мухбири.

ЧЎЛ ЧИРОЙИ

Бўз туманидаги "Озод" ширкат хўжалиги деҳқонлари 345 гектар майдондаги ғаллазорни суғоришга мўлжалдагидан бир ой аввал киришишди.

- Чўл шароитида кўзланган ҳосилни олишни ўзи бўлмайди, - деди хўжалик раҳбари Икромжон Маматов. – Суғориб бўлиниши билан 22 та оилавий пудрат аъзолари экинларни бегона ўтлардан тозалашга киришади. Акс ҳолда берилган ўғитларимизнинг фойдасини бегона ўтлар кўради. Ўтган йили хўжаликда ҳар гектардан 73 центнердан сара буғдой етиштирилди. 2002 йилда ғаллакорлар ушбу кўрсаткични 80 центнерга етказиш ниятида меҳнат қилишаётир.

Етакчи мутахассис Муроджон Аҳмадалиевнинг айтишича, 4795 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган тумандаги ғаллачилик хўжаликларида келгуси ҳосилга ўғит бериш, уни бегона ўтлардан тозалаш ишлари қизғин бормоқда. Бу юмушлар Наврўз байрами тантаналари бошланадиган кунгача тўлиқ бажариб бўлинади.

«Туркистон-пресс».

УДУМЛАРИМИЗ

Наврўз куни одамлар отаонаси, яқин кишилари, йигитлар унашилган маҳбубалари билан дийдорлашганлар.

***

Орасидан гап қочган одамларни, уришган эр-хотинларни эл оғалари Наврўз куни яраштириб қўйишган.

***

Наврўзда атроф-муҳит орасталанади, ариқ-зовурлар тозаланади, ҳовли-боғлар тартибга келтирилади. Кўчалар, майдонлар, ҳовлилар тозаланади.

***

Наврўз дастурхонига 7 хил дарахт шохидан намуна келтириб қўйилади. Улар: мажнунтол, зайтун, беҳи, анор, бодом, писта, ёнғоқдир. Шулар қаторида қатиқ, сут, пишлоқ, тухум, балиқ ва ёниб турган шамлар ҳам қўйилган.

***

Наврўз байрамидан икки-уч кун олдин марҳумларни зиёрат қилиш учун қабристонга борилади. Ким ниҳол, кимдир гул уруғларидан олиб чиқиб, кейин ўзига тегишли қабрни хас-чўп, ўт-ўланлардан тозалагач, уларни экишади.

***

Наврўз куни подшолар ёшу ялангларга ош берган, эл ичидаги энг муносиб кишиларни тақдирлаган, бандиларнинг гуноҳидан кечган, урушлар тўхтатилган, одамлар бир-бирларининг гуноҳидан кечиб, оламолам севинч улашган.

***

Наврўз кунлари Хоразмда ерларни чиғир билан суғориш ишлари бошланади. Ўша куни чиғирларнинг пири Ноилож бува ҳақига қурбонлик ва садақа қилинган.

***

Хоразмда баҳор байрами дастурхонига «наврўз гўжа» қўйиш удуми бор. Наврўз гўжа масаллиғи етти хил дондан иборат бўлади: жўхори, буғдой, арпа, тариқ, гуруч, ловия ва мош.

Ота-боболаримиз қадим замонлардан Наврўзни покиза рух, ўзгача шукуҳ, яхши ниятлар билан қаршилаганлар. Унга алоҳида тайёргарлик кўрилган. Наврўзда урушлар тўхтатилган, ўзаро низолар унутилган, одамлар тинч ва яхши қўшничилик, дўстбиродарлик муносабатларига интилганлар.

Улуғ шоир Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнома» асарида Наврўзнинг тарихи, бошланиши ва байрам қилиш тартиби ҳақида шундай ёзилган: «Ким Наврўзни шоду хуррамлик билан байрам қилса, бутун йил бўйи унинг ҳаёти хуррамликда ўтади».

Хўш, юртдошларимиз Наврўзга қандай тараддуд кўришмоқда?

БИЗ БАХТЛИ ИНСОНЛАРМИЗ

Наврўз янги йилнинг бошланиши бўлса, Навбаҳор — янги фаслнинг ташрифини англатади. Шу боис, биз навбаҳорликлар Наврўзда қўшалоқ байрамни нишонлаймиз. Дастлаб Берансой, Жизлон, Зам, Сармиш тоғ этаклари яшил либосга бурканади. Қир-адирлар турфа чечакларга, лолақизғалдоқлару чучмомаларнинг муаттар атрига тўлиб кетади. Қушларнинг шўх-шўх сайрашлари, сўпитурғайлар нағмаси, қалдирғочлар ташрифи дилга завқ бағишлайди. Яна эрта тонгданоқ қуёшнинг заррин нурлари ям-яшил қирлар, боғ-роғлар, ҳайбатли тоғлар узра кумушдек товланади. Шундай дамларда Ватанимиз Ўзбекистон — ҳақиқатдан ҳам жаннатнинг бир бўлаги деган иқрор дилимдан тилимга кўчади. Кейинги уч-тўрт йил ичида туманимизда ҳам мақтаса арзигулик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Марказий қўрғонимиз қайта бунёд этилди, десам хато бўлмас. Замонавий турар-жой бинолари, равон йўллар, шифохона-ю мактаблар, болалар боғчалари, эҳ-ҳе, санаб адоғига етмайсан киши.

Олдинлари даволаниш учун Навоий ёки Тошкент шаҳрига борган тумандошларимиз бугун Шарқу Ғарб меъморчилиги услубида қурилган замонавий кўп қаватли шифохонага эга бўлдилар. Энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган шифохонамизда бир неча бўлим, бир йўла 50 нафар беморга хизмат қиладиган поликлиника ҳам мавжуд. Унга яқин жойда эса марказий дорихона фаолият кўрсатиб, бу ерда буюк табиб Ибн Сино табобати асосида доривор ўсимликлардан малҳам тайёрлаш йўлга қўйилган.

Булардан ташқари, марказий ўйингоҳ, маданият ва истироҳат боғи, «Навбаҳор» савдо уйи, маданият уйи, марказий кутубхона ҳам меҳнаткашларнинг севимли масканига айланган.

Бугун Навбаҳорда катта тайёргарлик. Элдошларимиз бирлашиб биргалашиб, Наврўзга пешвоз чиқмоқда. Бу байрамдан ҳеч ким четда қолмайди, ҳеч ким унутилмайди.

Зулфия НАБИЕВА, ўқитувчи.

ҚИР-АДИРЛАР ЧЕЧАКЛАРГА БУРКАНГАНДА

СОВҒАЛАРДА — МЕҲР ЯШИРИН

Кечагина тоғ ўнгирларидан сизиб тушган обу ҳаёт бугун катта оқимга айланиб, дарёларимизни тўлдириб, юртимизга қутбарака, далаларимизга файз киритмоқда.

Воҳа аҳли Наврўзга ўзгача ихлос, эҳтиром билан қарашади. Байрам билан қутлаш учун совғалар тайёрланади. Бунинг учун деярли ҳеч ким дўконга чиқиб, совға изламайди. Чунки, совғани ҳар ким ўзи ҳозирлаши керак. Масалан, чавандоз боболар невараларига нақшинкор қамчи, полвон боболар эса ўз қўллари билан пишиқпухта қилиб тўқиган белбоғ совға қилишади. Момолар эса ўғил невараларга туморлар, дўппилар беришади. Ўн иккига кирган қизалоқларига эса ўзлари зийнатлаган жамалаклар, дўппи-ю тақинчоқлар ҳадя этилади. Бу минг йиллардан бери яшаб келаётган удум. Унинг замирида авлодларга, юрт тарихига ҳурмат-эътибор, самимият бор. Негаки, тайёрланажак совғалар барчадан сир тутилади. Яъни, бобо неварасига беражак совға, қиз яқинларига атаб тикаётган кашталарини яширинча тайёрлашади. Уни Наврўз кунигача ҳеч ким билмаслиги, кўрмаслиги керак. Сирли нарса эса гўзал, дил тортар бўлади, худди Наврўздек.

Сафия РАЖАБОВА, Китоб тумани.

Панд-насиҳатнинг инсон тарбияси ва камолоти учун қанчалик аҳамиятли эканлиги асрлар оша ўз исботини топган. Бу ҳол мазкур халқларнинг табиати, ўзига хослигидан келиб чиққан,албатта. Шарқ халқлари қадим- қадимдан насиҳат айтишга ҳам,насиҳат тинглашга ҳам мойил бўлишган - бу нарса уларнинг қонида бор. Халқ эртакларини бир эсланг-а: битта ҳикматли сўзни бир тиллага олган «девона» ни Турон заминидангина топиш мумкин!

ҲИКМАТ ҚАСРИ

«Калила ва Димна», «Тўтинома» каби халқ китоблари, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» ва «Бўстон» Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон»,Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» сингари панднома асарлари ана шу анъананинг акс-садоларидир. Улар орасида «Қобуснома»нинг ҳам алоҳида ўрни бор.

«Қобуснома» деб аталган бу дурдона асарда Оллоҳни таниш у пайғамбарларнинг яратилишидан тортиб илму ҳунар эгаллаш йўллари ва фойдаларигача, ота-она ҳаққини адо этишдан фарзанд тарбиясигача, деҳқончилик ва бозор қилишдан то вазиру подшоҳ бўлишгача - зарур бўлган барча масалалар мухтасар қамраб олинган.

Чинакам санъат дурдоналари ҳамма даврларда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолади, барча авлодларга бирдай хизмат қилаверади. Сўз шундай ганжинаки, у фойдаланган билан тугамайди. Мана, қарийб ўн асрдирки, адаб аҳли бу дурдоналарни кўз қорачиғидек асраб, авлоддан авлодга тортиқ қилиб келмоқда.

«Қобуснома»даги Ануширвони Одил ҳақидаги гўзал ривоятда айтилишича,Ануширвоннинг қабр тошига қуйидаги сўзлар ёзилган: «Мен ҳаётлигимда ва подшоҳлигимда ҳамманинг ҳожатини чиқарар, бирор кишини ҳузуримдан умидсиз қайтариб юбормас эдим. Энди эса,тупроқ остида ожиз ётибман, лекин хоҳлайманки, менинг зиёратимга келганлар, бирор-бир манфаат кўрмай қайтиб кетмасинлар - тириклигимда одамлар мендан қандай баҳраманд бўлган бўлсалар, энди васиятларимдан ҳам шундай фойда кўрсинлар, деб мозор тошига қуйидаги насиҳатларни ёздирдим: менинг пандларим зиёратчилар қадам ранжининг мукофоти бўлсин!»

Китобда Ануширвони Одилнинг 33 та панди келтирилган: бу насиҳатлар узоқ умр кўрган ва катта ҳаётий тажриба соҳиби бўлган донишманд бир инсоннинг қалб қўри, ақл нурига йўғрилган гўзал ва сермазмун ҳикматлардир. Мана, Ануширвони Одил нима дейди:

«Агар ҳар кишини турмуш устоди доно этмаса, ҳеч бир доно унга сўз ўргатиш учун ранж чекмасун, ранжи зоеъ бўлур».

«Ҳар кишининг (билими) бўлса-ю, аммо унга лойиқ ақли бўлмаса, бу билим унга зарар еткаргусидур».

«Агар ўз сирингнинг очилишини истамасанг,-бировнинг сирини фош қилмағил».

Бу насиҳатлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган, уларга замондошларимизда ҳам эҳтиёж мавжуд.

Кайковус насиҳатларининг кўпи халқ мақолларидай,донишмандларнинг ҳикматларидай жаранглайди, фалсафий мулоҳазалари чуқур ва асосли. Чунончи:

«Билғилки, донишмандлар охири ғам бўлғон шодликни билмаслар ва охири шодлик бўлғон ғамни ғам ҳисобламаслар».

«Кишининг дўстсиз бўлғонидин биродарсиз бўлғони яхшидур».

«Мол ҳар нечаким азиздур, аммо жонингдин азиз эмасдур».

Китобда ўтган донишмандларнинг ҳам кўпгина ҳикматли сўзлари келтирилади. Жумладан:

«Андоқким дебдурлар: «Улуғлик ақл ва донишлик биладур,гавҳар ва насаб била бўлмас».

«Ҳакимлар дебдурлар: «Сўз бир нашъадур, ундан хумор пайдо бўлур».

«Донишлар дебдурлар: «Дононинг панд - насиҳати кўнгил кўзин равшан қилур,нединким, ул панд ақл ва ҳикмат кўзининг сурмаси ва тўтиёсидур».

«Фақир (мен) китобда ўқимишманким,одамнинг қуввати то ўттиз тўрт йилгача ҳар куни зиёда бўлур. Ўттиз ёшдин сўнг қуёш осмоннинг ўртасиға етгондек зиёда бўлмай ва нуқсон топмай турар. Ундан сўнг ботиш сайри оҳистароқ бўлғай. Қирқ ёшига етгондин сўнг то эллик ёшғача ҳар йил ўзида нуқсон кўрғайким, бурунғи йилда кўрмамиш бўлғай. Эллик ёшидин олтмиш ёшғача ҳар ой ўзида нуқсон кўрарким, аввалғи ойда кўрмамиш бўлғай. Агар ёши олтмишдин ўтса, ҳар соатда дард ва ранж кўрғайким, ўтгон соатда кўрмамиш бўлғай».

Хуллас, «Қобуснома»-ни ўқир экан, ўз даврининг барча диний ва дунёвий илмларини эгаллаган, замонининг барча касб - ҳунарларидан хабардор бўлган, ҳаётнинг ҳамма аччиқ-чучугини тортган, анъана ва урф-одатларини чуқур билган донишманд бир зот билан суҳбатлашгандай,кўнглингиз ёришиб, ақлингиз тўлишади. «Қобуснома»нинг ҳамма замонлар ва ҳамма авлодлар учун севимли ва фойдали китоб бўлиб келаётганлигининг сири ана шунда.

Эргаш ОЧИЛОВ.

ЮЛДУЗЛАРДАН РАНГ ОЛГАН ШАҲАР

Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигига

(Боши ўтган сонда)

Яна бир ёдгорлик бўлмиш Доруссаодат — Ҳазрати Имом номи билан аталади. 1376 йилнинг бошларида Самарқандда, Соҳибқироннинг катта ўғли Жаҳонгир Мирзо тўсатдан вафот этади. Кутилмаган фожеадан Амир Темур қаттиқ қайғуга тушади. Пойтахтда мотам эълон қилинади. Шаҳзоданинг жасади дафн учун Шаҳрисабзга жўнатилади. Сўнгра маълум вақт ўтгач хоразмлик усталар томонидан қабр узра маҳобатли ёдгорлик қад кўтаради.



1393 йилда Курд қалъаси қамал қилинаётганда Амир Темурнинг иккинчи ўғли — 29 ёшли Умаршайх мирзо ҳалок бўлади. Шаҳзодани ҳам Шаҳрисабзга олиб келиб, дафн этадилар.

Улуғ амир Доруссаодат дарвозасидан кираверишда Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо учун мақбара, тўрда эса ўзи учун сағана қурдиради. Айни пайтда сағананинг ер остки қисми сақланиб қолган. Ўртада тошдан ясалган тобут қўйилган. Қопқоғининг ўзи икки ярим тонна келади. Сағана деворлари ва равоқларига Қуръондан оятлар ёзиб қўйилган.

Булардан ташқари XV асрда қурилган Чубин мадрасаси, Коба карвонсаройи, қадимий ҳаммом, Малик Аждар масжиди каби меъморий ёдгорликлар борки, улар ўтмиш авлодларимизнинг бунёдкорлик қобилияти ва мислсиз истеъдодининг ёрқин намунасидир.

— Шаҳар ҳудудидан жой олган 42 та тарихий обида ўз салмоғи, илмий-маърифий қиммати билан жаҳондаги энг нодир ёдгорликлардан ҳисобланади, — дейди биз билан суҳбатда Амир Темур музейи директори Набижон Хушвақтов. — Шу боис, шаҳримиздан чет эллик сайёҳлар қадами узилмайди.



Қарийб 1,5 минг гектар майдонни эгаллаган яшил шаҳар истиқлол қуёшидан нур олиб гуллаб-яшнамоқда. Шаҳрисабз мадҳини улуғ мутафаккир Алишер Навоий ўзининг «Сабъаи сайёр» достонида жўшиб куйлаган. Муқаддас тупроғида буюк муҳаддис Имом Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, ҳазрат Баҳовуддин Нақшбанднинг қутлуғ изслари бор. Буюк шоир Хисрав Деҳлавий ва Мирзо Бедилнинг ота-боболари шаҳрисабзлик эдилар. Мулла Қурбон Хиромий, Хозиқ, Рожий, Фароҳ, Муҳаммад Кеший каби шоирлар шу заминда камол топиб, уни мадҳ этганлар. Машҳур генерал Жўрабек Шаҳрисабз ва Китоб муҳитидан етишиб чиққан.

Шарқ оламида «Илму-адаб қуббаси» деб эътироф этилган, Шарқнинг дурдонаси ҳисобланмиш сўлим ва ҳамиша навқирон яшил шаҳар ҳақиқий жаннатмакон масканга айланмоқда.

ЁЛҚИН.

ЙЎЛЛАНМА ОЛДИЛАР

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, миллий хавфсизлик хизмати, солиқ бошқармаси, божхона қўмитаси, йўл патрул хизмати ходимлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари спортчилари ўртасида шарқ якка кураши бўйича мусобақа ўтказилди. Икки кун давом этган баҳсларда Ички ишлар вазирлиги жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, Ўзбекистоннинг 26 майда ўтказиладиган навбатдаги очиқ чемпионатида қатнашиш учун йўлланма олди.

(ЎзА).

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

● *Ирландиянинг Киллерни ороли яқинидаги «Бургут уяси» деб аталадиган қишлоғидан энг кўп такрорланадиган акс-садо чиқади. Қишлоқда карнай чалинса, унинг акс-садоси 100 мартадан ҳам кўп қайталанади.*

● *Қуёш тизимига кирадиган сайёралар йўлдошлари ичида энг каттаси Сатурннинг Титан деб аталмиш йўлдоши бўлиб, унинг диаметри 5500 километрни ташкил этади.*

● *АҚШнинг Иллинойс штатида ҳавонинг ифлосланишига қарши фавқулодда чора-тадбирлар кўрилмоқда. Чунончи, шаҳар кўчаларига, корхона ва муассасларига ўзига хос светофор ўрнатилган.*

Шаҳар аҳолиси шу светофорнинг қандай рангда ёнишига қараб ҳавонинг тоза ёки ифлосланганлигини билиб олади. Масалан, кўк чироқ ҳавонинг тоза эканлигини билдиради. Ҳаво бироз ифлосланганлигида эса сариқ чироқ ёнади. Мабодо қизил чироқ ёнгундек бўлса, шаҳардаги саноат корхоналари, мактаб, дўкон ва транспорт ўз ишини тўхтатади.

● *Чикаго шаҳрида намгарчилик вақтлари ҳаво таркибидаги заҳарли моддаларнинг эриши таъсирида, ҳатто нейлон пайпоқлар ҳам йиртилиб кетади.*

● *Битта автомобил минг километр масофани босиб ўтганда бир одамнинг йил давомида сарф этадиган миқдордаги кислородни йўқотади.*

● *Ҳайвонлар ичида энг уйқучани сичқон ва қуёндир. Улар бир кечакундузда 20 марта ухлайди.*

Фахр

Ўрта осиёлик олимларнинг Ер ҳақидаги билимларини мужассам этувчи хариталар жаҳон илм аҳлига ўрта асрда ўтган осиёлик олимларнинг бу борадаги тасаввурлари қанчалик тўғри ва мукаммал эканлигини намойиш этди. Улуғ олим Беруний нинг «ат-Тафҳим» китобидаги «Денгизларнинг чегаралари» бобига дунё харитаси илова қилинган.

Бундай ҳаританинг энг мукаммал нусҳаси Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида

БЕРУНИЙ МАЪЛУМОТЛАРИГА АСОСЛАНИБ

сақланади. Унинг катталиги 12 ярим сантиметр бўлиб, айланаси ва ҳошиялари қизил сиёҳда қалин қилиб чизилган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, XIX аср ўрталарида яшаган машҳур поляк олими Шоахим Лелевель ўрта осиёлик картографлар, жумладан Беруний яратган асарларнинг кўпчилигини европа тилларига таржима қилди. У VIII-XII асрларда ижод этган картограф ва географларнинг қўлёзма асарлари, харита ҳамда астрономик жадвалларидан фойдаланиб Европа картографияси услубида хариталар тузди.

Поляк олими Абу Райҳон Беруний маълумотларига асосланиб, Ўрта Осиё харитасини тузгани ҳам фанда маълум.

А.АКБАРОВ.

КАКЛИК ОВИДА

воқеий ҳикоя

Қуёш чиқишини тоғда қаршилаганмисиз? Каклик ови баҳонасида овчи дўстларимга қўшилиб Бўспуга саёҳатга бордим-у, ана шундай гўзаллик олдида ҳайратда қолдим. Тоғ худди шу ердан, «Қўчқор калла» деб аталмиш қоя тўшидан, яккам-дуккам арча дарахтлари билан бошланади. Беш қайин арчазор чегарасида ўсади. Айтишларича, оқ қайин тупидан тарвақайлаган ва ҳар бири ростмана мирза терак йўғонлигидаги беш дарахт тоғ ҳудуди билан водий об-ҳавосини ажратиб турувчи чегара вазифасини ўтармиш. Бу гапда жон бордек. Негаки, ундан пастда бирон туп шу хилдаги дарахтни учратмайсиз.

«Қўчқор калла» табиатнинг ажойиб ҳазилига ўхшайди. Болохонали уй катталигидаги тош кўриниши жуфтини кутаётган қўчқорнинг ўзгинаси. Калтагина тош «бўйин»-га ўрнашган бесўнақай харсангда қўчқорга оид талай белгиларни учратиш мумкин. Дўнг пешона, пастга қараб сабзи учидек ингичкалашган тумшуқ, қулоқ ўрнида икки тарафга туртиб чиққан бўртиқ, ҳатто «калла»нинг юқори қисмидаги мугузсимон тош қирраларигача. Бўспунинг бу чети яшил ўт-ўланларга бойлигидан турли-туман жониворлар, паррандалар сероб.

Шерикларим ов барори ҳақида баҳслашишаркан, мен Она заминнинг бу гўзал гўшасида қуёш чиқишини кузатардим. Аввал осмон сутдек оқарди. Сўнг оппоқ шаффоф ранг нилий қирмизи бўёқ билан алмашди. Гўё офтобнинг тароқсимон ёғдуси еру кўкка эзгулик улашаётгандек эди.

Тоғ ён бағрларидаги ўт-ўланларга шудринглар гўё инжу каби осилган. Мен қорамтир деб ўйлаган майсаларнинг кўпи яшил ёки жигаррангга мойилроқ экан. Аслида сийракроқ, аммо олисдан бир туп райҳондек туюладиган ўрмон, алоҳида ажралиб турувчи узун бўйли беш қайин, улкан гиламдек пастдан юқорига ястанган қалин арчазор, ҳамма-ҳаммаси қуёшни шодон қаршилаётгандай. Офтоб мангулик йўлида баландлагани сайин водий узра ажиб бир нур-зиё тараларди.

— Овга келганмисиз, томошагами? - Абдумуталнинг кесатиғидан хаёлим бўлинди.

Абдумутал билан узоқ йиллик қадрдонмиз. У тоғликларга хос кенг феъл, меҳмондўст. Улфатчиликни жойига қўяди. Суҳбатига тўймайсиз. Гап келса, отасини ҳам аямайдиганлардан.

Абдумутал билан биринчи овга чиққанимизни ҳеч эсдан чиқмайди. Шаҳарга тушганида меҳмон ҳурмати учун чойхонапалов уюштирдик. Чойхўрлик қилаётганимизда кимдир ов завқи тўғрисида мақтаниб сўзлади. Мен ҳам қараб турмадим, албатта. Хайрлашаётганимизда кулимсираб:

— Овчиликка сиз ҳам ишқибозмисиз? - деб қолди. - Ундай бўлса, дам олиш куни сизни қишлоқда кутаман.

Ўшанда сездимки, дўстим тоғликларга хос шарт-шароитни билишда тажрибаси катта, жониворларнинг феъл-атворини яхши тушунар, мўлжали ҳам чакки эмасди. Биринчи овда тоғда мириқиб ҳордиқ чиқариш билан бирга иккита қуён, битта тулки отиб қайтдик...

Абдумутал билан Аҳаджоннинг қўлида балиқ тутишда ишлатиладиган оддий ип тўр. Лекин сувга ташлагандаги каби учи чўзилмаган, пахта теришда қўлланиладиган этакка ўхшашиб кетади. Бирини менинг қўлимга ҳам тутқазишди.

— Каклик яқинлашдингизми, ўзингизни устига ташлайсиз, - тайинлади Абдумутал.

Шерикларимнинг бири ўнгга, иккинчиси чапга кетишди. Келишувга кўра мен ўртадан боришим керак. Тизза бўйи ўтларни ораларканман, бирдан майдонда шитирлаш эшитилди. Шошиб ўша ёққа қарадим. Она товуқдан хиёл кичикроқ, кулранг каклик учишга шайлангандек қанотларини ёзаётганди. Бир ҳатлаб, тўр ташладим.

Какликни авайлаб, тўрни пайпасладим, ҳеч вақодан дарак йўқ. Ўтўлан орасидаги каклик деб ўйлаганим тош бўлиб чиқди. Роса қизиқ-ку! Ёки кўзим алдандими? Шундай хаёлда каклик турган ерни кўздан кечирдим. Янгигина узилиб тушган пат кўринди. Ажабо, қачон қочишга улгурди экан? Яхшиям шерикларимни чақирмаганим.

Атрофни кузатдим, ҳеч ким йўқ. Энди ҳушёр тортиб, овни давом эттирдим. Тош билан какликни фарқлаш учун ҳушёрликни оширдим. Бу гал ўрнидан қўзғалиб қанотларини ёзганича ялпоқ тош панасига ирғиб қўнган қушни аниқ кўрдим. Мен ҳам какликдан эпчилроқ ҳаракат қилдим, ялпоқ тош ортига ўзимни ташладим. Тағин қуп-қуруқ ерни сийпалаб қолдим, холос. Бундай ҳол уч-тўрт бор такрорланди.

Роса жаҳлим чиқди. Неча йилдирки, овчилик билан шуғулланаман. Дашт ва биёбонларни, қум барханларини кезганман. Тунлари бўри овлашда, тўнғиз овида қатнашганман. Ёввойи ўрдак, чуррак, бедана каби мен тутган парранда ва жониворларнинг саноғи йўқ. Аммо каклик гўштини мазза қилиб ер эканман-у, уни овлаш машаққатини бошдан ўтказмапман. Айниқса, сўнгги бор ер сийпалаганимда милтиқ олишга унамаган Абдумуталдан қаттиқ ранжидим. Бор-е каклик овинг шунақа бўлса, кечдим бунақа лаззатдан, - дедиму, шляпамни кўзим устига бостириб юмшоқ ажриқ устига ёнбошладим. Бир пайт қаттиқ кулгидан чўчиб тушдим.

— Ов ёқмадими? - деди Аҳаджон. - Ҳамма айб ўзимизда оғайни. Домла минг қилсаям шаҳарлик ҳаваскор овчи. Каклик тутиб ўрганмаган. Аввалига паррандани қандай қўлга туширишни ўргатишимиз лозим эди.

Энди эътибор бердим. Абдумутал иккита, Аҳаджон битта каклик-ни қанотларидан осилтириб кўтариб туришарди.

— Бу қурғур кўпларни доғда қўяди, - Аҳаджон ёнимга чўккаларкан оёғи чандилган паррандага қараб ишора қилди. - Қимирлаган ёки қўнган жойидан уни беш-ўн қадам наридан излай берасиз. Бошини энгаштириб қанотларини биқинига ёпиштирганича илондек ўрмалаб кетиб қолади. Каклик-ни пайқадингизми, тумшуғи бурилган тарафни мўлжалга олинг. Тез боринг-да, ўт-ўлан қимирлаган жойга тўр ташланг.

Аҳаджоннинг маслаҳатлари жуда асқотди. Ундан кейин ҳам кўп бор каклик овида қатнашдим. Аҳаджоннинг маслаҳати билан кейинги сафар каклик овининг завқини дилдилдан туйдим.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши жамоаси ижтимоий суғурта бўлими мудирининг ўринбосари Римма Верешчагинага ўғли **МИХАИЛ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Топширилди 22.50

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 122. 1 2 3 4 5 6